тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил 2 июл | 26 (55)- сон


# ЕВРОПА ВА АМЕРИКА ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, Флоренсияга, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувига таклиф этилиш шарафига муяссар бўлганимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши — шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интегратсиялашувига қаратилган устивор йўналиши, деб қараймиз.

Шу билан бирга биз бу ҳужжатнинг имзоланиши — ёш давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитети сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эканини ҳам миннатдорлик билан қайд этамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик .қайта тикланганидан бошлабоқ, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда қадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсий-жўғрофий ўрин эгаллайди.

Улкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумеврепа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хелсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастуридаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замонда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг ёрқин истиқболигагина эмас, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиши имкониятларига ҳам умид билан қараш имконини беради.

Биз, ўзбекистонликлар, мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мададни юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир.

Бу борада Европа Иттифоқидан Тасис дастури бўйича олаётган ёрдамимиз ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Биз Европа Иттифоқининг Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги илгари Буюк ипак йўли ўтган йўлда транспорт қатновини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Трасека лойиҳасини ривожлантиришга ниҳоятда катта аҳамият берамиз. Ўзбекистон бугунги кунда бир қанча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий қадамлар ташламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришга қодир эканига тўла аминман. Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта — Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Бугун шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолар эканман, мен муносабатларимизнинг истиқболига умид билан қарайман ҳамда бу муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қатъий аҳдимни ифода қиламан.

Эътиборларингиз учун ташаккур!



Суратда: Ислом Каримов ва Билл Клинтон учрашуви.

Ф.ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА МАМЛАКАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА РАИСЛИК ҚИЛГАН ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ РОМАНО ПРОДИНИНГ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президентлар,
муҳтарам вазирлар,
хонимлар ва жаноблар,
Президент Каримов жаноблари!

Мен Европа Иттифоқи ўзининг Италия раислигидаги фаолияти мобайнида амалга ошираётган сўнгги ишлардан бири — Сизнинг мамлакатингиз билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бўлганидан алоҳида бахтиёрман.

Бугун бизнинг бу ерга тўпланишимизга сабаб бўлган маросим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларда бутунлай янги босқичдир. Бу маросимнинг Флоренсияда, Европа Иттифоқи доирасида ўтаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади. Чунки у иттифоқимизнинг мамлакатингизга, унинг мустақиллиги ҳамда унинг Марказий Осиёда тутиб келаётган ўрнига берган эътибори рамзидир.

Мамлакатингиз мустақилликка эришган пайтдан бошлабоқ Европа Иттифоқи Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнини диққат билан кузатиб келди. Европа Иттифоқи бу жараённи фаоллик билан қўллаб-қувватлади ҳамда бундан кейин ҳам мана шу йўлда ҳаракат қилиш ниятидадир.

Биз бир неча лаҳзадан кейин имзолайдиган битим барчамизнинг фаол шериклик негизини барпо этиш истагимизни таъкидлайди. Мазкур битим биз инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликларни ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга бир назар билан қарашимизга далолат ҳисобланади.

Битим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг барча соҳасини қамраб олади.

Битим савдо ва иқтисодиёт соҳасида мамлакатингиз эга бўлган барча салоҳиятдан фойдаланиш имконини беради. Унинг ратификатсия қилиниши жараёнини кутар эканмиз, биз битимнинг савдо соҳасидаги қисми оралиқ битим тузиш йўли билан илгарироқ ҳам кучга киришини назарда тутамиз.

Бундан ташқари, битим ўзаро манфаатдор масалалар бўйича мунтазам равишда фикр алмашиш имконини берувчи сиёсий мулоқот учун ҳам асос яратади. Бу — жуда муҳим унсурдир. Мазкур мулоқот шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳам мустаҳкамлайди. Сиз билан биз тинчлик ва халқаро хавфсизликка кўмаклашиш учун қатъият билан ишлаймиз.

Президент жаноблари!

Мазкур битимни имзолаш билан мамлакатларимиз иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик йўлида бир мақсадда эканини ифода этади. Мен сиз орқали, Европа халқлари номидан, ўзбек халқига келажакка бўлган мана шу ишонч номаси билан мурожаат қилишни истар эдим.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИГА ДОИР ШАРҲЛАР

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарининг хабарларига қараганда, ўтган ҳафтада Европадаги йирик ахборот маҳкамаларининг 57 та ахборотидан Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Жумладан, Рейтер, Франс-пресс, Европа ва бошқа шу сингари машҳур ахборот агентликлари Флоренсияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани ҳақида хабар тарқатди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиш маросими Европадаги йирик «Евронюс» трансмиллий телевизион компанияси томонидан мунтазам равишда ёритиб борилди. Дастлаб Чили билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кўзда тутувчи битим имзолангани ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон билан тузилган битимга келганда, унинг «Маданий ва иқтисодий ҳамкорлик доирасидан чиқиб кетгани» ҳамда сиёсий ҳамкорликни ҳам кўзда тутиши алоҳида қайд этилди. Битимни имзолаш пайти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқ сўзлагани бир неча марта такрор кўрсатилди.

Шу йилнинг 24 июн куни Франсиянинг нуфузли «Эхо» кундалик иқтисодий газетаси бу битим ҳақидаги хабарни «Чили ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўғрисида битим» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди.

Ўзбекистон билан тузилган битимга тўхталар экан, газета бу битим одатдаги иқтисодий ҳамкорликнинг қатъий доирасидан чиқиб, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ҳамда унинг демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидлашини ёзади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон «Европа Иттифоқи билан фақатгина маданий ва иқтисодий соҳалардагина эмас, стратегик соҳада ҳам шерик бўлишни исташи» тўғрисидаги гапини ҳам келтиради.

Европа Комиссари Ханс Ван Ден Брукнинг гапига қараганда, «Бу битимнинг геостратегик аҳамияти шундоққина кўриниб турибди». Битимнинг Ўзбекистон учун аҳамиятини таҳлил қилар экан, француз газетаси «Москвадаги айрим кишилар собиқ салтанатни тиклашни орзу қилиб турган ҳозирги пайтда Тошкент томон йўналтирилган бу хушхабар ўта муҳимдир», деб давом этади.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиши Франсиянинг давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек етакчи ишбилармонлари ўртасида ижобий фикр уйғотди. Жумладан, Франсия ишбилармонлари миллий кенгашининг вице-президенти Ф. Жискар Дъэстен «Шундай юксак даражада битим имзолангани Президент Ислом Каримовнинг тўғри иқтисодий сиёсат юргизаётганидан далолат беради, бу бугунги кунда Ўзбекистон Европа ишбилармонлари учун энг ишончли шерик эканини яна бир бор исботлайди», деб қайд этади.

Европа Иттифоқи Кенгаши тарқатган матбуот ахборотида Р. Проди, Ж. Сантер ва И. Каримов ўз нутқларида битимнинг Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳам сиёсат, ҳам иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятини таъкидлашгани қайд этилади. Р. Проди Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга, унинг мустақиллик руҳи ҳамда Марказий Осиёда тутиши лозим бўлган ўрнига қаратаётган муҳим эътиборини алоҳида таъкидлади.

Матбуот ахборотида шунингдек, битим томонлар ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг бутун бир мажмуини қамраб олгани ҳамда у томонлар ўртасида ижтимоий, молиявий, илмий-техник ҳамкорлик учун асос яратиши тўғрисида гапирилади.

Россиянинг бир қанча оммавий ахборот воситалари имзоланган ҳужжат Ўзбекистоннинг синов муддати билан Европа Иттифоқига кириш таклиф этилган Шарқий Европа мамлакатлари қаторига киришига аниқ имкониятлар яратганини таъкидлайди.

Ғарб дипломатлари шунингдек, Россия Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги битимдан унча хурсанд бўлмаса керак, деган фикрни билдиришмоқда. Чунки, Москванинг нуқтаи назаридан қаралганда, МДҲдаги барча давлатлар бугунги кунда ўзларининг бутун саъй-ҳаракатини жаҳон сиёсатида минтақавий «жуғрофий-сиёсий» маркази сифатида Ҳамдўстликнинг мавқеини оширишга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасидаги шериклик ва Ҳамдўстлик тўғрисидаги битимнинг ратификатсия қилиниши ва кучга кириши билан боғлиқ «Россия масаласи»нинг жуда секинлик билан ҳал этилиши манзарасида МДҲдаги айрим мамлакатларнинг Европа Иттифоқи билан жадал яқинлашуви ҳам Россия раҳбариятини ташвишлантиради.

## ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАК САНТЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Президент жаноблари,
Жаноб Бош вазир,
Азиз ҳамкасблар!

Биз бугун имзолаётган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги бугундан бошлаб янада янги мазмун касб этадиган муносабатларнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Бу битимнинг одатдаги савдо ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлардан фарқини таъкидлаш учун уни «Шериклик битими» деб атаяпмиз. Бу битимда биз ўзимизнинг узоқ муддатли муносабатларимизнинг шақли шамойилини белгилаб оламиз.

Бу шериклик — мақсадларимизнинг уйғунлигини кўрсатиб турибди. У шунингдек Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига катта аҳамият бераётганининг ҳам далолатидир. Ниҳоят, у Европа иттифоқининг мамлакатингизга унинг икки йўналишдаги: демократияни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасидаги интилишига кўмаклашишга бўлган аҳдини ҳам таъкидлайди.

Битим ишбилармонларимиз ва сиёсий ташкилотларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Бу шарт-шароит сиз учун ҳам, биз учун ҳам мақбулдир. Битим Марказий Осиёда муқим барқарорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатларнинг янги миқёсларини белгилаб беради.

Битимнинг, назаримда, муҳим бўлиб кўринган бир қанча жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, битим бизнинг сиёсий мулоқотимиз учун мустаҳкам асос барпо этади. Бу бизга ҳар томонлама фикр алмашишни фаоллаштириш имконини беради.

Қолаверса, у бугунги кунда анча паст даражада турган савдони ривожлантириш ва сармоя ҳажмини ошириш учун мақбул ҳуқуқий асосни барпо этади. Назаримда, жаҳон иқтисодиётининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган ҳозирги даврда бу жараёнга кўмаклашиш ҳамда ундан имкон қадар кўпроқ фойда олиш — мантиқ тақозосидир. Бундай жараёнлар иқтисодиёт соҳасидагина эмас, сиёсат соҳасида ҳам ижобий натижалар беришига ишончим комил. Чунки, улар сиёсий барқарорлик ва тинчликка ҳам хизмат қилади. Буни Европа Иттифоқи тажрибаси тасдиқлаб турибди.

Ниҳоят, битим иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги алоқаларимизни ривожлантиришга кўмаклашадиган ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очиб беради. Бу биз учун ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва унинг турли-туман шаклларини топиш борасида биргаликда амалга ошириладиган ишларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўтмишдаги тўсиқлар эндигина бартараф этилмоқда. Бу ҳол энди бир пайтлар иккала минтақамизни бирлаштириб турган ипак йўлининг ҳақиқий иқтисодий қайта тикланишига йўл очса ажаб эмас. Ҳамкорлигимиз миқёслари бундай истиқбол учун барча шарт-шароитни яратишига ишончим комил.

Президент жаноблари, шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим келажакка қаратилган истиқболли битимдир. У мамлакатингизда муҳим ислоҳотлар туфайлигина рўёбга чиқадиган тараққиётнинг муҳим дастаги бўлиши лозим.

Мен иқтисодий ислоҳотлар зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Биз Ўзбекистоннинг замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган давлат сифатида шаклланиш жараёни қийин ва узоқ кечишини яхши англаймиз. Биз ана шундай вазиятдаги бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани сингари, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш осон кечмаслигини, айрим ҳолларда жуда оғир бўлишини ҳам биламиз. Бу ҳол халқингиз ислоҳотларга интилишини сақлаб қола олиши учун ўтиш даврининг ижтимоий оқибатларига жиддий эътибор қаратиш заруриятини туғдиради.

Жамиятларимизнинг бунёдкор кучларини бошқа ташвишлардан халос қилиш ва рағбатлантириш учун бошқа йўл йўқлигига ишончим комил.

Биз ўзимиз эга бўлган барча воситалар билан Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлашни давом эттираверамиз, деб ишонтиришимга ижозат бергайсиз.

Келажакнинг даъвати аниқ кўриниб турибди. Биз ҳозиргина биргаликда унга жавоб бериш дастакларини аниқлаб олдик. Улардан уддабурролик билан фойдаланишимиз қолган, холос. Биз ўз томонимиздан бу ишга киришмоқдамиз.

Ташаккуримни қабул айлагайсиз.

Алийбег РУСТАМИЙ

## ЁЗГИ ИНҚИЛОБ

***Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракатида икки эътидол ва икки инқилоб бор. Қуёш эътидолга келганда кун билан тун баробар бўлади. Буларнинг бири баҳор бошида, иккинчиси куз бошида воқиъ бўлади. Баҳорги эътидолдан сўнг кун узайиб, тун қисқара боради. Куннинг энг узун, туннинг энг қисқа вақтига бориб, баҳор тугайди. Шундан сўнг ёзги инқилоб, яъни қуёш қайтиши бўлиб, кун қисқара бошлайди. Мана шу ёзги инқилобдан ёз бошланади ва кузги эътидолга давом этади. Куз қишки инқилобгача, қиш баҳорги эътидолгача давом этади. Ҳижрий-и шамсий тақвимига кўра жорий 1375 йил ёзининг ою кунлари қуйидагича: чизиқчадан сўнг мелодий ҳисоби берилди. Июн «н», июл «л», август «а», сентябр «с» деб берилди:***

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Саратон | | | | | | |
| Шанба | 1—22н | 8—29 н | 15—6л | 22—13 л | 29—20 л | |
| Якшанба | 2—23 н | 9—30 н | 16—7 л | 23—14 л | 30—21 л | |
| Душанда | 3—24 н | 0—1 л | 17—8 л | 24—15 л | 31—22 л | |
| Сешанба | 4—25 н | 11—2 л | 18—9 л | 25—16 л | | |
| Чоршанба | 5—26 н | 12—3 л | 19—10 л | 26—17 л | | |
| Пайшанба | 6—27 н | 13—4 л | 20—11 л | 27—18л | | |
| Жумъа | 7—28н | 14—5 л | 21—12 л | 28—19 л | | |
| Асад | | | | | | |
| Шанба | | 5—27л | 12—3 а | 19—10 а | 26—17 а | |
| Якшанба | | 6—28 л | 13—4 а | 20—11 а | 27—18 а | |
| Душанба | | 7—29 л | 14—5 а | 21—12 а | 28—19 а | |
| Сешанба | 1—23 л | 8—30 л | 15—6 а | 22—13 а | 29—20 а | |
| Чоршанба | 2—24 л | 9-31 л | 16-7 а | 23-14 а | | 30-21 а |
| Пайшанба | 3—25 л | 10—1 а | 17—8 а | 24—15 а | 31—22 а | |
| Жумъа | 4—26 л | 11—2 а | 18—9 а | 25—16 а | | |
| Сунбула | | | | | | |
| Шанба | | 2—24а | 9—31а | 16—7 с | 23—14 с | 30—21 с |
| Якшанба | | 3—25 а | 10—1 с | 17—8 с | 24—15 с | 31—22 с |
| Душанба | | 4-26 а | 11—2 с | 18—9 с | 25—16 с | |
| Сешанба | | 5—27 а | 12—3 с | 19—10 с | 26—17 с | |
| Чоршанба | | 6—28 а | 13—4 с | 20—11 с | 27—18 с | |
| Пайшанба | | 7—29 а | 14—5с | 21—12 с | 28—19 с | |
| Жумъа | 1—23 а | 8—30 а | 15—6 с | 22—13с | 29—20 с | |

***Эслатма: Эронда ёз ойларининг номлари Тийр, Мурдод, Шаҳривардир. Бу йил Эрон ҳисоби бизникидан бир кунга илгарилади. Бунинг сабаби бизда ўтган 1374 йили кабиса қилиниб, Эронда қилинмади. Натижада Эронда Наврўз Мартнинг 20-сида, бизда ҳамма йиллардаги каби Мартнинг 21-ида бўлди.***

# ЯХЛИТ ДУНЁНИНГ КАЛИТИ

1918 ЙИЛДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ТУРКИСТОН АҲВОЛИДАН ДУНЁНИ ВОҚИФ ЭТИШ УЧУН ЙЎЛГА ОТЛАНИБ, ҚАРШИДАН НАРИГА ЎТИШГА УЛГУРМАГАН ЭДИ.

БУГУН КАРВОНБОШИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ВА УНИНГ ИСТИҚЛОЛИНИ ДУНЁГА ЭМИН-ЭРКИН ЕТАКЛАБ ЧИҚМОҚДА.

Учинчи минг йиллик бўсағасида ўз олдига ижтимоий тараққиётни мақсад қилиб қўйган, ўзи эришган тўла мустақилликни ҳар қандай қилиб бўлмасин, қўрғаш ва қўриқлаш, уни келажак наслларга ҳам муқаддас меросий мулк қилиб қолдиришни истаганлар албатта Европа ва Америкага интиладилар. Интилиб, ўрганиб, тажриба орттириб тараққиётнинг ўзларига хос янги босқичлари ҳамда марраларига кўтариладилар. Дунёда Англия, Германия, Япония, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайван тажрибалари шуни яққол намойиш этиб турибди. Бу мамлакатларнинг оламшумул тараққийсида Америка тажрибаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар Америкага таассуб қилмаганлар. Лекин Американинг тажрибаларини ўзлаштириб, ўз мамлакатлари ва халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, қарашларида тамомила чўққига кўтарганлар.

Ўзбекистон дунёнинг шу тажрибаларини бугун жиддий ўрганар экан, ўрганишнинг шу йўли, усули энг самарали эканлигига тобора ишонч ҳосил қила бормоқда. Ўзбекистон демократия, эркинликлар, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама рўёбга чиқаришда Американинг уч асрлик муваффақиятларини ўзи учун улуғ тажриба мактаби деб қарайди. Ўз миллий хусусиятларини теран ҳисобга олган ҳолда бу мактабнинг оламшумул билимларини ўзлаштиради.

Билим, тажриба ўзлаштириш эса ҳамиша хайрлидир.

Америка ва Ўзбекистон давлат бошлиқларининг иродаси, саъй-ҳаракатлари билан июн ойининг сўнгида ҳам икки мамлакат тарихида муносабатлар, алоқалар, англашларнинг тамомила янги саҳифаси очилди.

Ўзбекистон Президентининг янги ёш мустақил мамлакатимизни дунё билан яхлит бир вужудга айлантириш йўлидаги алп ғайрати, шижоати ўз илк натижаларини бера бошлади.

Анчадан бери орзу қилардик. Ниҳоят Америка Ўзбекистонга қўлини узатди. Бродарлик, дўстлик, яқинлик, ҳамкорлик қўлини узатди. Бу ўз-ўзидан бўлаверадиган нарса эмас. Дунёда ҳеч нарса ва айниқса, мамлакатлар, халқлар ҳаёти, тақдирида ўз-ўзидан бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Нимайики яхшилик, фаровонлик, тараққий истасангиз, бунга кўламли, фидокорона ҳаракатлар керак. Ҳаракатлар, ҳаракатлар ва яна ҳаракатлар! Қараб ўтириб, қўл қовуштириб ўтириб, қачон, қаерда ким нимага эришибди дейсиз!

Америка бизга ишонч билдирди.

Янада равшанроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тараққиёти ва келажагига ишонч билдирди.

Америка ҳеч қачон, ҳеч кимнинг мустақиллиги ва айниқса, эркин яшашига тажовуз қилган ёки бундай яшашни хавф остида қолдирган эмас. Аксинча, доимо эркинлик ва мустақил яшашни тарғиб этган, унинг афзалликларини дунё олдида энг юксак тарзда намойиш этган ва бу борадаги тажрибаларини мамлакатлар билан холис ўртоқлашган.

Бунинг жуда теран бир тарихий сабаби ва асоси бор: у ҳам бўлса, Американинг ўзи ҳам мустақиллик учун курашган, озодлик ғояларини равнақи учун, устиворлиги учун жон олиб жон берган; Озодлик энг улуғ, такрорланмас неъмат эканлигини, уни ҳеч нарсага алиштириб бўлмаслигини қон-қонига сингдирган; Шунинг учун Америка озодлик, эркинликни эҳтимол бошқалардан кўра чуқурроқ тушунади, озодлик ва эркинлик қадрига ҳар қачон энг олий даражада етган.

Мана шу маънода Американинг Ўзбекистонга ишончи жуда катта маъно ва мазмунга эгадир. Чунончи шу ишонч заминида мушфиқ Марказий Осиё заминларида, яқин қўшниларимиз, жондошларимиз — Тожикистон ва Афғонистонда иншоаллоҳ яқин келажакда ўрнашадиган тинчлик, истиқлол ва ободончилик сари қадамларнинг мустаҳкам кафолатлари ҳам бор.

Биз бу кафолатларни беҳад қадрлаймиз ва қўрғаймиз.

Бизнинг мустақиллигимизни энди ҳеч ким қайтариб ололмайди. Энди ҳеч ким бизни мустақиллик ва озодлик йўлидан адаштиролмайди.

Лекин хавф бор. Хавф номаълум хавф эмас. У шундай аён кўзга ташланиб турибди. У кечаги кунлардан келаётган, ўтмиш қулчиликни қўмсаётганлар майл, истаклари. Қаранг-а, бир халқ озод, мустақил яшайман, десаю, бунга ўн йиллаб мўлтониларча тўсқинлик қилиб келсалар, қаршилик кўрсатсалар, қирғинлар уюштирсалар-а! Ким чидайди бундай бедодликка! Ким яна хоҳлайди бундай бедодликни! Биров бизни ўқитганлар, бизга ўргатганлар, деди оғзидан бол томиб. Ҳа, бизни ўқитганлар. Лекин ўз хизмати учун, шу хизматга мослаб, кўзлаб ўқитганлар. Буни эркин, озод халқнинг ўқиши эмас, ўз оти билан колониал, мустамлакачиликнинг ўқиши дейдилар. Ўтмишни қўмсаганлар, ўтмишдан зўр бериб ижобий натижалар ва мисоллар қидирганлар ана шунга эътибор бериб қўйсинлар. Акс ҳолда ҳамма гаплар ёлғончилик, кўзбўямачилик ва қолаверса ўша машҳур империяча мўлтониликдан ўзга нарса эмас.

Баралла айтайлик, баралла ҳаракатлар қилайлик: Ки ҳар яхшиликни албатта яхши қўрғамоқ керак!

Қўрғалмаган яхшиликлар иблисона сиёсатлардан барбод бўлиши мумкин. Худо сақласин. Ҳа, яхшиликни, истиқлол яхшиликларини, афзалликлари, неъматларини бир халқ, бир миллат бўлиб қўриқламоқ керак.

Шу кунларда мамлакатимиз далалари худди кўкдан олтин сочилгандай товланиб, тўлқинланиб ётибди. Дон етилди, биродарлар, Ўзбекистоннинг олтин бошоқлари етилди. Бу улуғ неъматни исроф қилмай, нобуд этмай, ўтда куйдирмай дарров йиғиштириб олмоқ палласи! Куни кеча Қибрайга кетаётиб, Яланғочнинг йўлида денгиздай тўлқинланиб ётган бўлиқ буғдойзорларни кўриб кўзим яшнади. Уни етиштирган омилкор деҳқонларни чин кўнгилдан алқадим. Лекин сал нарироқ бориб не кўз билан кўрайки, буғдойзорнинг бир чеккаси қорайиб сўхта бўлиб ётганлигини кўриб юрагим орқамга тортиб кетди. Куйган нон иси келарди даладан. Йўл бўйида ўт ўчирувчи машиналар туришарди, улар зудлик билан ҳаракат қилиб йўл чеккасига тушган ўтни ўчирган эдилар. Лекин улар улгурмасалар нима бўларди? Шундай улуғ буғдойзор, етилиб ётган олтин донлар куйиб кул бўлармиди? Азизлар, биз аллакимларга ўхшамайлик. Ҳосил ундирдикми, уни дарҳол йиғиштириб, тергаб олайлик. Етилган ҳали ўрим тушмаган далаларни қаттиқ қўриқлайлик. Ёмон кўзлар, бадниятлардан асрайлик. Бепарво бўлиш — ҳамиша фожиали оқибатларни келтириб чиқаради. Кечагина ўз казармасида ўн тўққизта ёш америкалик бегуноҳ нобуд бўлгани, беш юз одам яраланганлигини унутмайлик. Ахир, қандай қилиб Америкадай ҳарбий системаси мукаммал давлат ҳарбий казармаси олдига ичига мина тўлдирилган машина келиб қолди? Уни казарма олдига келгунча ҳеч ким текширмадими? Ҳамма оғзини очиб, ўзимизнинг машина деб қараб турдими? Ҳушёрлик қўлдан берилган ерда бандиятларнинг шайтоний ўйинлари амал олади. Дунё яхлит ва унинг ҳар соатда бўлаётган воқеалари бизга сабоқ. Худо ўзингни қўрға, мен ҳам қўрғайман, дейди . Ҳақиқатан рост!

**МУҲАРРИР**

***Интегратсия (лотинча integer—бутун)—айрим қисмларни бир бутунга бирлаштириш.***
***Имплантатсия (французча implanter—ўтказиш)—айрим ҳужайра, тўқималар ё бутун органни (масалан, юрак, буйрак) кўчириб ўтказиш.***

# ИНТЕГРАТСИЯМИ Ё ИМПЛАНТАТСИЯ?

**Азамат ЗИЁ**

Яроқсиз буйрак ё юракни бошқа соғломи билан алмаштирилса, яъни имплантатсия қилинса, хавф остида қолган тана яна яшай бошлайди, демак ундаги бутунлик сақланади. Албатта, бу—мўъжиза. Бироқ шу йўл билан куч-қудрати тикланган тана бошқаларга озор етказгудек бўлса (ҳаётда шундай бўлиши мумкин-ку), бошқа соғлом таналар заволи бўлса-чи? Иккинчидан, ўша кўчириб ўтказилган юрак ё буйрак қаердан олинган, мияси жароҳатланган, ўлиши аниқ танаданми (юрак) ёки ночорлик ва қашшоқликдан буйрагини сотишга жазм қилган соғлом жасадданми—бу ҳақда ҳозирча тўхталмай қўяқоламиз. Биз ҳозир атрофимизда рўй берган бир ижтимоий сиёсий ҳодиса борасида фикрлашмоқчимиз.

1996 йил 29 март куни Москвада Россия, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари ўртасида, интегратсиянинг янги «тезлик» ва «чуқурлик»даги кўриниши деб аталган, «иқтисодий иттифоқ»қа асос солинди.

Хўш, таклиф қилинаётган интегратсиявий «тезлашув» ва «чуқурлашув»нинг моҳияти нимада?

Ҳали натижаси кўринмаган нарсалар хусусида фикрлаш анча қийин. Бундай ҳолатда одатда асосан ваъдалар берилади. Шу сабабдан ҳам, биз «тезлашиб-чуқурлашмоқчи» бўлган интегратсиявий макон нималигини аниқлаб олсак.

Интегратсиявий «тезлашув» ё иттифоқни тиклаш тарафдорлари у ёки бу шаклда, аммо бир мазмунда таъкидлашларича, собиқ иттифоқ яхши-ёмон бўлишидан қатъий назар, ҳар ҳолда бир бутун иқтисодий тана эди. 1991 йили шу тана парчалангандан кейин енгиб бўлмас иқтисодий қийинчиликлар юзага чиқди. Демак, деб улар хулоса қиладилар, шу тана қайта тикланса, барчаси яна эски ўз ҳолига тушади-кетади. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Аввало собиқ «Совет Иттифоқи» бир бутунлиги кимга яхшию кимга ёмон бўлганини аниқлаштириб олсак. Асли Россия давлати Ўка, юқори Дон, Десна, Припят дарёлари ҳавзасида жойлашган. Кейинги асрлардан, айниқса XVI юз йилликдан буёғига Россия шимол, ғарб, жануб, шарқ йўналишларида бошқа халқлар, асосан туркий халқлар ерларини ҳарбий куч билан ўзлаштириб, ўз давлати ҳудудини кенгайтириб борган.

Натижада Россия империяси майдони дунёнинг олтидан бирини эгаллаган. XIX аср охирида Россия ўз ҳудудини тахминан 50 марта катталаштиришга эришган. Бу ҳолат 1991 йилга қадар ўзгармади.

1922 йили собиқ «совет иттифоқи» юзага келишидан ҳудудий томондан россияликлар ютганлар. Уларнинг ери ярим баравар кўпайган. Шу давр мобайнида Эрон, Афғонистон, Хитой ва Каспий денгизи билан чегарадош ўзбеклар ери тахминан 1,8—2 баробарга қисқарган. Илгари бирон-бир денгизга чиқиш имкони бўлмаган Россия, империяга айлангач, Шимол, Болтиқ, Қора, Каспий денгизлари, Тинч океанига чиқиш имкониятига эришган бўлса, масалан, Ўзбекистон ҳатто Каспий денгизига чиқиш йўлидан маҳрум этилиб, Эрон, Хитой билан чегараларини йўқотган. 1991 йилги парчаланиш оқибатида Россия империяси майдони илгариги 22,5 млн.кв.м. ўрнига 17 млн.кв.м.га тушиб қолган. Эрон, Афғонистон, марказий-шарқий Европа билан чегараларидан айрилган. Бу ҳолат Россия учун катта йўқотиш бўлди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари эса Эрон, Афғонистон, Хитой, Россия ва Каспий орқали дунёга чиқиш имконига эга бўлдилар. Россия империяси—«совет иттифоқи» дунёда қазилма бойликларга энг сарватманд ҳудуд эди. Чунончи, табиий газ, темир рудаси, марганетс, олмос, нефт, кўмир ва бошқа қатор табиий бойликлар заҳираси ва ишлаб чиқарилиши бўйича жаҳондаги энг олди ўринларни эгаллаб турган. Бу бойликларнинг эгаси Москва ҳисобланарди. Ҳолбуки, уларнинг аксари эгаллаб олинган халқлар ерларида, асли улар мулки эди. Лекин, айтайлик, Ўзбекистон еридан қазиб олинган олтин миқдорини ҳатто Ўзбекистоннинг собиқ биринчи раҳбари ҳам билмасди. Ваҳоланки, энди маълум бўлишича, 1980—1990 йиллар орасида Ўзбекистондан Москва 7—8 млрд. долларлик олтин олиб чиқиб кетган. Ё бўлмаса, «умумиттифоқ» табиий газ заҳираларининг 20 фойизи—Ўзбекистонда мужассамлашган ҳолда, қазиб олинган газнинг аксар қисми Россияга жўнатилган. Худди шу пайтда ўша газ қувурлари ўтган ерлардаги ўзбек қишлоқлари ё шаҳарларига газ улаб беришни Москва хаёлига ҳам келтирмаган. Москва олтин заҳирасига энди икки марта кам олтин тушмоқда. 130 йил давомида олтин у ёқда турсин, оддий кесакка ҳам ҳуқуқи бўлмаган миллат мустақиллигининг биринчи йилиёқ кўплаб тонна олтин эгаси бўлди. Бу биргина олтиннинг «яхши-ёмони» устидаги гап. Бошқа қазилма бойликларни-ку нечоғлик эканини тасаввур қилиш қийинмас.

Фақат биргина ишора: 70-йиллардаги маълумотларга кўра, омонат банки тизимидаги Россия аҳли даромади киши бошига ҳисоблаганда Ўзбекистон аҳлиникидан икки марта кўп бўлган. Агар ўша замонларда даромад асосан соҳалари мужассамлашгани, Ўзбекистон саноатида миллий вакиллар салмоғи паст бўлгани эсга олинса, кимга яхшию кимга ёмон бўлгани янада ойдинлашади.



Орадан беш йилча вақт ўтгандан сўнгги аҳвол қандай? Бугунга келиб асрлар, ўн йиллар давомида зўрлик йўли билан қурилган ва 1991 йили парчаланган империявий танани яна тиклаш ҳаракатлари кучайиб бормоқда. Агар кенгроқ таҳлил қилинса, бу ерда бир неча сабаблар борлиги яққоллашади. Ҳудудини ўзгалар ери ҳисобига кенгайтириб бораркан, Россия ҳеч қачон улардан айрилиши тўғрисида ўйламаган, аниқроғи, уларнинг ажралиб кетмасликлари учун барча чора-тадбирларни кўриб борган. Масалан, маъмурий бўлишлар, миллий сара вакилларининг тўхтовсиз қириб турилиши, миллий маданият ва қадриятларга нисбатан бузғунчилик сиёсати (миллий имлоларни йўққа чиқариш), «совет» халқини яратиш, коммунистик мафкурани сингдириш, иқтисодий жиҳатдан боғлаш ва ҳоказо. Илгари руç экспансиясининг номи энди «совет» экспансияси билан алмашди. Москванинг фикрича, буларнинг барчаси «совет» республикаларини абадий равишда Россияга банди этиши керак эди. Афтидан бунга ишончлари шунчалар кучли бўлганки, Горбачев «перестройка»ни амалга ошириш йўлида сиёсий ислоҳотларга қўл ураркан, бу тадбирлар «совет иттифоқи»нинг энг асосий сиёсий мазмуни—империячилик-мустамлакачиликни юзага чиқариб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаган. Агар келтирганда эди, у ҳеч қачон сиёсий ислоҳотларга яқинлашмасди.

Хуллас, «совет иттифоқи»нинг парчаланиши иқтисодий жиҳатдан Россия учун катта зарба бўлганди. Зеро юқорида тилга олинган қазилма бойликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатдан келадиган даромадлар билангина Россия—Россия бўлиб турарди. Россия уларга ўрганганди. Худди инсон танаси наша ё ароққа ўрганиб уни талаб қилгандай, Москва текинга пахта, олтин, пилла, қоракўл, нефт, газ, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик ва бошқа қатор битмас-туганмас бойликларни ҳазм қилишга одатланганди. Фикримизча, бугунги кунда Россиянинг Ғарб давлатларидан миллиард-миллиард қарз олиб, уларни қайтаришни чўздириш, иложи бўлса, бермаслик сиёсати, аслида илгариги қарам республикаларга нисбатан тутиб келинган сиёсатнинг бошқа бир кўринишидир. Чунки бу тана шунга ўрганган, аслида унга қайси томондан мана шундай «озуқа» келиб турганини аҳамияти йўқ. Энг муҳими, у келиб туриши керак ва иложи борича текинга. Демак, собиқ «иттифоқ»ни тиклаш ёки интегратсияни чуқурлаштириш борасидаги Москванинг эндиги ҳаракатларининг иқтисодий сабаблари шундай.

Бу ҳаракатларнинг сиёсий томонлари қандай?

Фикримизча, собиқ танани тиклашга уриниш қайси бир гуруҳнинг бўлмасин, асосий сиёсий мақсади бўлиб қолади. Сайлов туфайли ҳокимиятга ким келмасин, кўрилаётган масалада энг аввало давлат машинасига суянган ҳолда иш тутади. Бу давлат машинаси эса Россия империясини шакллантиришда энг асосий амалий рўл ўйнаган ва ўтган даврлар мобайнида ўзи ҳам такомиллашиб, энига ҳам, бўйига ҳам ўсиб борган қудратли тизимдир. Шунинг учун ҳам 15 март куни «совет иттифоқи»ни тиклаш борасидаги Россия думаси қарори эълон қилингандаёқ, биз коммунистларнинг бу хархашасидан кўп ҳам чўчимаслик керак, чунки улар қанчалик жар солмасинлар, ниятни амалга ошириш учун зарур давлат машинаси ихтиёрларида эмас, демак, давлат машинаси қўлида бўлганларга кўпроқ эътиборни қаратмоқ лозим, деган фикрга келган эдик. Бугун ҳам шу фикрдамиз. Хўш, мазкур давлат машинасининг бугунги аҳволи қандай?

Айтилганидек, давлат машинаси империя билан ҳамоҳанг тарзда ривожланган. 1991 йил воқеалари энг аввало ана шу давлат машинасидаги заифликларни намоён этди. Яъни воқеликни нотўғри англаш унга панд берди. Шу маънода бундан икки йил бурун Россия матбуотида эълон қилинган қуйидаги маълумот қизиқ. Унга кўра, Россия ташқи разведка бошқармаси давлат бошлиқларига, собиқ «иттифоқ» маконидаги интегратсия ташаббуси Москва томондан кўтарилмаслиги керак, акс ҳолда мустақил давлатларда Россия империяпарастлиги хусусида безовталаниш юзага келади, деб маслаҳатини берган. Ё бўлмаса, ўтган йилларда тез-тез эшитилиб туриладиган, фалон минтақани биз боққанмиз, фалон республика бизсиз кун кўролмайди қабилидаги таъкидлар ё бўлмаса, Россия ташқи ишлар вазири, мудофаа вазирининг турли оҳангдаги дўқ-пўписалари бугунги кунга келиб эшитилмай қолди. Бунинг камида икки сабаби бор. Биринчидан, бир томондан, беш йиллик давр мустақил давлатларнинг ўз кунини ўзи кўра олишини исботлади. Иккинчи томондан, сохта миннатчилик, дўқ-пўписа сиёсати, мустақил давлатларни улардан узоқлаштириш, Москвани империяпарастликда айблашга сабаб бўлишини кўрсатди. Хуллас, ўтган йиллар давомида давлат машинаси тегишли йўналишларда зарур тадбирларни амалга оширган ҳолда 1995 йилга келиб собиқ танани «янги» асосда, интегратсияни чуқурлаштириш, тезлаштириш орқали тиклаш сиёсатини таклиф қилди. Ва бу сиёсат мана бир ярим йилдирки изчил амалга ошириб келинмоқда. Нима учун биз «интегратсия» сиёсати бу йил эмас, 1995 йил бошларидаёқ бошланганди деяпмиз?

Маълумки, интегратсияни чуқурлаштириш жараёни асосан Россия ва Белорус ўртасида 1995 йил бошларида божхона иттифоқи тузилгандан буён авж олди (кези келганда шуни айтиб ўтмоқчимизки, рус тилидаги «таможня»га аслида XIII—XIV асрларда кенг муомалада бўлган «тамғачи», яъни солиқ йиғувчи сўзи асос бўлган бўлиши керак). Бир қараганда бунда ҳеч бир ажабланарли томони йўқдек. Бироқ ўша кунлардаёқ чет эл ахборот воситалари тарқатган маълумотларда мазкур шартнома бир неча келишув ҳужжатларини ўз ичига олиб, мажмуа (пакет) сийратига эга бўлган. Яъни шартноманинг бажарилиши ундаги ҳар бир алоҳида шартномача-ҳужжатнинг бажарилиши билан боғланган. Ана шу ҳужжатлардан бири божхона иттифоқига тегишли бўлса, иккинчисида Белорус майдонидаги Россия ҳарбий базаларини маълум муддатга Москва мўлжалидек фойдаланишга келишилган. Бошқача айтганда, ҳарбий базаларга оид ҳужжат Белорус томонидан бекор қилинса, ўз-ўзидан божхона ҳақидаги шартнома ҳам кучини йўқотади. Давлатлараро муносабатлар учун бу табиий ҳол. Иқтисод бор жойда сиёсат ҳам бўлади, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, бу гапда жон бор. Тарихда ҳам бунга мисоллар кўп. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан олдинги советлар Россияси билан фашистлар Германияси ўртасидаги дўстлик шартномаси ва унинг «орқаси»даги мўлжаллар: Болтиқбўйини бўлиб олиш ва ҳоказо. Хуллас, бу икки томоннинг иши. Шу маънода 29 март куни Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорус раҳбарлари имзолаган шартнома ҳам қизиқиш уйғотмай қолмайди.

## СИЁСИЙ ДУНЁ

Россия матбуоти, телерадиосида унинг афзалликлари ҳақида анча-мунча гап бўлди. Шунингдек, бу янги «иттифоқ» тенглик асосида таъсис қилинганини ҳам айтишди. Аммо шартномадаги баъзи бир мажбуриятлар ҳақида ломмим дейилмади. Масалан, ягона ташқи иқтисодий алоқалар, умумий ташқи чегаралар устидан ягона қўмондонлик мажбуриятлари. Ўзбекистоннинг таклиф қилинган «иттифоқ»қа кирмаслигининг бош сабаблари ҳам аслида шу бандлар билан боғлиқ ва бу ҳақда юртбошимиз очиқ-ойдин фикр билдирди. Буни табиий деб билмоқ керак. Зеро ташқи иқтисодий сиёсатни қандайдир бир марказга топшириш, бир томондан, сиёсий мустақилликка қарши бўлса, иккинчи томондан, демократияга қарши. Бугунги кунда мустақил давлатлар учун энг муҳим ҳисобланган ташқи иқтисодий фаолият тизгинини ўзгалар қўлига бериш бу—эртага сиёсий тизгинни қўлдан бутунлай чиқариш демакдир. Нима учун демократияга зид деяпмиз. Барчанинг хабари бор: демократия тушунчасига эркин иқтисодий муносабатлар мавжудлиги ҳам киради ва Ўзбекистон ҳозир шу йўлдан одимламоқда. Агар Ўзбекистон «ягона ташқи иқтисодий сиёсат» мажбуриятини бўйнига олиб, яна бу ўз қонуний ваколатини марказга берса, унда нима бўлади? Айтайлик, унда пахтага жаҳон миқёсидан анча паст нарх қўйилади, ўрнига валюта эмас, тайёр маҳсулот (унинг сифати, бизга кераги борми-йўқми-бу бошқа масала) берилади. Яъни «эски тос, эски ҳаммом». Буни пахтакор хоҳлайдими? Йўқ, албатта. Лекин давлат «иттифоққа» кирса, мажбурият олса, у эркини йўқотади.

Шу ерда ҳақли савол туғилиши мумкин: нима учун Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорус бу йўлдан кетдилар? Бунда турли тасаввурлар, гумонлар, хулосалар қилиш мумкин. Бироқ қуйидаги маълумот асқотиши турган гап. МДҲ давлатлараро статистика комитети эълон қилишича, ички ялпи маҳсулот ҳажми 1995 йили Россия, Қирғизистон, Белорусда 1980 йил кўрсаткичи даражасига етишган, Қозоғистонда эса 1970 йил даражасида. Иқтисодий тараққиётда ички ялпи маҳсулот кўрсаткич ҳар ҳолда кўп нарсадан далолатлигини ҳисобга олсак, у ҳолда мазкур тўрт давлат аҳволининг бир-бирига ниҳоятда яқинлиги маълум бўлади. Қизиғи шу ердаки, мазкур маълумотларни босган «Труд» газетаси (1996 йил 22 март), нимагадир Ўзбекистонга оид рақамларни келтирмаган, чунончи ички ялпи маҳсулот кўрсаткичи бўйича. Фикримизча, бу атайин қилинган. Акс ҳолда муаллифнинг (В. Головачев) Ўзбекистонда ички ялпи маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасига етишганини таъкидлашдан бошқа иложи қолмасди. Бундай қилинганда икки хулоса чиқиши аниқ эди. Яъни биринчидан, Россия, Қирғизистон, Белорус мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистондан ўн йил, Қозоғистон эса йигирма йил орқада қолган. Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти бошқа давлатларга қараганда анча илдам кетмоқда.

Демак, ҳамдўстлик доирасида ва Ўзбекистонга нисбатан олсак, Россия, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистонни иқтисодиётининг даражаси бирлаштирмоқда. Бунинг исботи ўрнида қуйидагиларга эътиборни қаратсак. Россия енгил саноатида 80 фойиз, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида 50 фойиз, тўқимачилик саноатида деярли 100 фойизга камайиш юз берган. Ишлаб чиқариш январ ойида 7 фойизга қисқарган. Мамлакат иқтисодиётида катта ўрин тутган нефт саноати 48 фойизга қисқарган. Россиянинг ички қарзи 200 триллион тўловларни, бажармаслик ҳажми 250 трл. рублни, ташқи қарзи 140 млрд. долларни, ташқи қарзлар бўйича йиллик тўлов фойизи эса 10 млрд. долларни ташкил қилади. Чеченистонга қарши уруш харажатлари эса триллионлаб рублдан иборат бўлиб, уларнинг умумий ҳажми мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, умуман ижтимоий соҳаларга 1995 йил сарф қилинган барча харажатлардан ортиқ бўлган. Интегратсия аравасини тортмоқчи бўлган асосий кучнинг аҳволи шундай бўлса, қолганлардики қандай экан? Афсуски, бунга доир маълумотларга эга эмасмиз. Лекин бир нарса аниқки, Қозоғистонда дон етиштириш ўттиз йил бурунги даражага тушиб қолган («Труд», 1996 йил 23 март).

Агар юқоридаги рақамлар устидан фикр қилинса, у ҳолда «интегратсиянинг турли тезликлари» мазмунини тушунса бўлади. Яъни интегратсия тезлиги аслида иқтисодий тараққиёт тезлиги билан белгиланса, демак мазкур тўртлик ўз тараққиётини тезлаштириб, бошқаларга, масалан, «собиқлар»дан Ўзбекистон ва Болтиқбўйи давлатларига етиб олмоқчилар чоғи. Бундай «узиб» олаётганимизнинг сабаби бор. Чунки яқиндагина, Бишкекда ўтказилган парламентлараро анжумандан кейин эса «бошқалар бизга ҳавас қилмоқдалар, демак қизиқмоқдалар, қизиқсалар албатта, бизга қўшиладилар» қабилидаги гапларни кўтариб, тарғибот ишларини яна кенгайтирмоқчилар. Ваҳоланки, камбағаллар иттифоқига ҳали ҳеч ким қизиқмаган, ўз хоҳиши билан кирмаган ва кирмайди ҳам. **Аммо Россия империясининг, хоҳ 1917 йилга қадар, хоҳ ундан кейинги даври давлат тарғиботи ўз сиёсий тасаввурини—амалий жараён, борлиқ сифатида намоён қилиш, хоҳишларни—воқелик ўрнида кўрсатиш одати бор. Ва афтидан ҳозирда ҳам сақланмоқда.**

Лоақал тўртлик доирасидаги ягона валюта (пул бирлиги) таъсис этилиши ҳақидаги режаларни олинг. Лекин ягона пул бирлигини таъсис этиш қандай шароитда амалга оширилади, умуман бу қилса бўладиган вазифами, бу ҳақда лом-мим дейилмаган.

Ҳатто Европада ягона пул бирлигини киритиш борасида (бир ечимга келинган тақдирда ҳам) бунга ҳозирча фақат Люксембург давлатигина тайёр эканлигини биласиз. Белгия, Италия каби ривожланган мамлакатлар ҳали бу талабга жавоб беролмас эканлар. Немислар эса ягона пул бирлиги жорий этилишдан кўп безовталикка тушаяпган эканлар ва ҳоказо.

Шу маънода Россия таклиф этаётган интегратсия юмшоқ айтганда, тоғдаги дўлана. Зеро интегратсиянинг асосий моҳияти қандай бўлмасин, иқтисодий муносабатлар маконидаги бирлашув жараёни эмас, балки иқтисодий ривожланишда бир мақсадга эга ва умуман бир хил кўрсаткичларга етишган томонларнинг биргалашиб ҳаракатидир. Шу маънода чегараларнинг йўқ бўлиши ва маконнинг кенгайишини интегратсиянинг шарти ва кўриниши дегувчиларнинг фикрларига ҳам қўшилмаймиз.

Чунки, бугунги Россия майдонига Европада ҳақиқий интегратсиявий жараёнда яшаётган иқтисодий-молиявий макондан бештаси сиғиши мумкин. Россия ҳудудидан Қозоғистон майдони олти марта, Белорус саккиз ярим марта, Қирғизистон ҳам саккиз ярим марта кичиклигини ҳисобга олсак, бугунги Россия 1991 йилги йўқотишларга қарамай ҳануз потенсиал жиҳатдан энг бой давлатлардан ҳисобланишини ёдда тутсак, бу мамлакат миқёсида ички интегратсия ва ундан кўзланган асосий мақсад—тараққиёт учун имконлар озми?! Етарли. Ниҳоятда етарли. Хўш, унда мақсад нима?

Мақсад—эски ва доимо уларга яхши бўлиб келган танани қайта тиклаш. Майли, шундай ниятлари бор экан, биз бировларнинг ички ишларига аралаша олмаймиз. Ва юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «бундай ўйинларга ўйнамаймиз ҳам». Аммо фикримизни билдириб қўйишга ҳақлимиз. Фикримиз эса шундай: **Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорус давлатлариаро иқтисодий жараён бу интегратсиядан кўра имплантатсия мазмунига яқин. Чунки, бу жараён пастдан ўсиб борадиган табиийликка эмас, юқоридан жарроҳларча амалга оширилаётган сунъийликка асосланмоқда.** Бу тана соғлом ривожланади деб ким бугун кафолат бера олади. Ҳатто жарроҳлар ҳам оддий тиббий амалиётлар натижасига ҳеч қачон юз фойиз кафолат бермайдилар. Ахир бу сиёсат-ку. Ва унинг орқасида юз миллионларча кишилар тақдири ётибди-ку. Сиёсатга жарроҳларча муносабатда бўлиш—оқилликданмас. Ҳақиқий интегратсия эса оқилона муносабатни тақозо этади. Унинг туб асоси эса эркинликдадир.

# ЖОНКУЯР БИРОДАРИМИЗ

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бугун давлатимизни равнақи, гуллаб яшнаши йўлида қўлидан келган ишни сидқидилдан бажармоқда десам хато қилмаган бўламан.

Шавкат Ниёзовни мен моҳир журналист, публисист ва жамоат арбоби сифатида йигирма беш йилдан бери танийман. Уни етмишинчи йилларнинг аввалларида чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамоасида учратганман. Ўша пайтлар Шавкат Ниёзов бу ерда президиум аъзоси сифатида жонкуярлик билан сидқидилдан фаолият кўрсатар эди. Эсимда, ўша вақт Шавкат Ниёзов афғон тупроғига бостириб киришни қоралаб бир қанча зиёлилар томонидан Москвага ёзилган мактубнинг муаллифларидан бири эди. Ўша вақт шу боис ишлаб турган вазифасидан анча вақтгача четлаштирилган эди.



Г. КАЗЁНОВ суратга олган

Шавкат Ниёзов Афғонистон тарихи, афғон халқининг урф-одатлари ва тилини яхши билганлиги сабабли Ўзбекистон ва қўшни Афғонистоннинг дўстлик ва биродарлигини мустаҳкамлаш йўлида қўлидан келган ишни қилар эди. У Афғонистонда бир неча маротаба бўлиб, унинг кўп шаҳарларида ҳар тоифадаги одамлар билан учрашиб мулоқотда бўлган.

—Бу учрашувлар,—дейди у,—менга кўп нарса берди. Афғонлар биз, ўзбекистонликлар билан ниҳоятда самимий муносабатда эдилар. У пайтлар Афғонистон пойтахти Кобулда ҳаёт қайнар эди. Кўчаларнинг икки томонида жойлашган дўконларда ҳунармандчилик ашёлари тўлиб-тошиб ётар, бозорлардан эса нимани истасангиз, шуни топар эдингиз. Мамлакатда кўпгина газета ва журналлар нашр этилар, ёшлар мактабларда, литсей ва олийгоҳларда таълим олар эдилар.

Эсимда, Кобул политехника олийгоҳида студентлар билан учрашиб, уларга Ўзбекистон ҳақида сўзлаб берган эдим, дейди у.

Мен Афғонистонда бугун рўй бераётган воқеалар, биродаркушлик низоларини кўриб жуда ҳам афсусланаман ва Аллоҳ таолодан илтижо қиламанки, бу бемаъни жанжаллар тезроқ тугаб Афғонистон тупроғида осойишталик барқарор бўлсин. Дўстона борди-келдиларимиз ҳар икки мамлакат манфаати учун авж олсин.

Шавкат Ниёзов Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрида ўрта мактабни битиргач, 1948 йил Тошкент Давлат олийгоҳининг тарих факултетига ўқишга киради. Ҳолбуки у ёшлигидан мухбир бўламан деб орзу қиларди. Болалигидан рўзномаларига мақола ва хабарлар ёзиб юрар эди. У олийгоҳ деворий газеталари ва университет кўптиражли рўзномасида тез-тез қатнашиб турди. Олийгоҳни битириши биланоқ Душанбедаги «Жумҳурият» газетасига ишга кирди. Бир йилдан сўнг Тошкентга қайтиб, «Овози точик» рўзномасининг фаол ходимига айланди.

Қаранг, орадан 35 йил вақт ўтди. У газетачиликни мукаммал ўрганди. Катта тажриба орттирди, ҳам ижодкор-публисист, ҳам раҳбар-муҳаррир бўлиб камолотга етди.

— Бошидан дўстлик мавзуйи юрагимга жуда яқин,—дейди Шавкат Ниёзов ўша кунларни эслаб.—Тожиклар ва ўзбеклар, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий алоқалари—бу менинг соҳам. Ўзбекистонда тожик тилида нашр этиладиган рўзномада ишлаб, қўлимдан келганича бу икки халқ, икки мустақил давлатнинг ҳамкорлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашда ўз улушимни қўшиб келмоқдаман. Рўзномамиз жамоаси жумҳуриятимизда дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган барча тадбирларда фаол қатнашади. Рўзномамиз ҳар икки республикада ўтказилган маданият кунлари қадрдонларнинг байрамига айланиши учун муносиб ҳисса қўшган. Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё маданият форумининг ғоялари ҳам бизга жуда яқин, ва биз бу ғоялар ҳаётий равнақ олишини истаймиз.

Шавкат Ниёзов касбдошларига ҳамиша таъкидлайди: журналист бу жамоатчи ҳамдир. У ҳамиша ҳаётнинг бағрида, керак бўлса, мағзида бўлиши ва ўз қалами билан мамлакат осойишталиги, инсон бахти, фаровонлигига хизмат этиши даркор...

У ўзи ва рўзнома ходимларига нисбатан талабчан, уларни ўз касбларини қунт билан ўрганиб, Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Шавкат акадаги ҳокисорлик, камтарлик, одамохунлик ва олижаноблик ҳар бир журналист учун одамийлик намунаси деб ҳисоблайман. Унинг ўз мактаби бор ва шогирдларини ҳам шу руҳда тарбиялаб келади. У шунчалар самимий, бағри кенг инсонки, жамоа аҳли—мусаҳҳиҳдан тортиб, муовинигача, каттаю кичик бемалол унга дарди, мулоҳазаларини айтаверади.

Шавкат ака ҳамиша изланишда, ўзига хос камтарлик билан ҳар бир инсон, ҳатто ўз шогирдларидан ҳам ўрганишга ҳаракат қилади.

Бирга ишлаганлар ундан кўп нарсаларни ўрганганлар. Унинг шогирдлари орасида Матлуба Шоалиева, Абдулло Субҳон, Тўхтамиш Тўхтаев (Паймон), Салим Кенжа, Норқул Остонзода, Эҳсон Турдиқулов каби кўпгина моҳир журналистлар бор.

Шавкат Ниёзовнинг узоқ йиллик ҳалол меҳнати давлат мукофотлари билан безанган. Ўтган йили ҳукуматимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бу мукофот, дейди Шавкат ака, менинг учун ниҳоятда азиз ва мўътабар. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи мукофоти.

— Мен меҳнатим шу Ватаннинг камоли учун сарф бўлаётганидан бошим осмонда,— дейди устоз Шавкат Ниёзов.

**Роза САМИГУЛИНА,**
**Ўзбекистон радиосининг форс тили эшиттиришлари бўлими мудири**

# СИГИРНИ ЭМГАН ТУЛПОР

## *Аёз ҳақида ҳикоятлар*

Бундан минг йиллар илгари Афғонистондаги Ғазна шаҳрида асли турк бўлган Сабук Такин ўғли Маҳмуд ҳукмдорлик қилган ва ўзини султон деб атаган. Шунга кўра уни Султон Маҳмуд Ғазнавий деб юритишган.

Султон Маҳмуд (967-1030) 30 йилдан ортиқ ҳукмдорлик қилди. Шарқу ғарбда урушлар олиб борди. Давлатининг қудрати ортиб, қўшни мамлакатлар ўртасида зўр эътибор қозонди.

Ўтмишда давлатлар ўзаро муносабатларида бир-бирларига элчи орқали ҳукмдорга манзур келадиган камёб, қимматбаҳо тортиқлар қилиш ҳам одат бўлган.

Кунлардан бир кун қўшни мамлакат подшоҳи Султонга элчи юбориб, унга совғага кўп бебаҳо буюмлар қатори бир от ҳам жўнатади. Султон Маҳмуд саройида элчини шон-шавкат билан кутиб оладилар. Султон элчини тантанали қабул қилади. Маросимдан сўнг Султон ўз яқинлари билан туҳфа отни кўришга боради. От ҳаммага маъқул бўлади, лекин Султон: «Сарой отбоқарларидан отни кўрмаган ҳеч кимса қолдими? — деб сўрайди.

Отбоқарлар бошлиғи: «Тақсири олам, отбоқарларнинг ҳаммаси, ҳатто четдан келган от билгичлар ҳам кўришди ва отга қойил қолишди», дейди. Шунда бир чеккада турган бошқа отбоқар: «Аёз келиб кўргани йўқ», деган эди, Султон: «У ҳам келиб кўрсин», — деди. Бош отбоқар: «Подшоҳи олам, Аёз яқинда келган қулингиз, у ҳеч нарсани билмайди, отлар тагини тозалаб юради», деб орага сўз қўшади.

Шунда Султон: «Барибир уни чақиринглар, у ҳам кўрсин», дейди.

Аёзни чақириб келадилар, у Султонга эгилиб салом бериб, «буйруғингизга ҳозирман» дегандек, одоб билан бир чеккада қўл қовуштириб турди. Султон Маҳмуд унга қараб: «Аёз сенми?» — деб сўрайди ва амр этади: «Шу отни яхшилаб кўр, қандай от эканини бизга айт». Аёз ўйлаб туриб деди: «Олампаноҳ, мен қулингиз, бошлиғимиз айтганидек оддий отбоқарман, синчиликка ожизлик қилсам керак. Агар шоҳим истасалар, амрлари вожиб, уриниб кўраман. Лекин ундан аввал отнинг дарёга тушиб чиқишини кўрсам, кейин бир фикр айтсам».

Аёзнинг талабига Султон рози бўлиб отни дарёга олиб боришларини буюрди. Лекин Аёзнинг бу талаби отбоқарлар бошлиғига ва баъзи кимсаларга ёқмади. Бироқ «подшоҳнинг амри вожиб» деб, отни дарёга олиб бордилар. Аёз айтгандай қилиб отни дарёга туширдилар. Сув отнинг белигача кўмгач, у бироз сув ичди, сўнг Аёз дарёдан чиқишга буюрди. Аёз отнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турди. От соҳилга чиққач, «энди бўлди, кетдик», деб сарой сари йўл олди. Ҳамма ҳайрон, «нимани билди» деб ажабланардилар. Отбоқарлар бошлиғи Аёз олдига келиб секин: «Нимани билдинг, Аёз», деб сўраган эди, Аёз: «билганимни сўраган одамга айтаман», деди.

Аёз тўғри Султонга рўбарў бўлди, таъзим қилди. Султон сўзла, деди. Аёз айтди: «Тақсири олам, сизга қўшни мамлакат шоҳи инъом этган тулпор зотли от кўринади, қадам ташлашлари, юриши, сувга ботирлик билан тушиши, чиқиши ҳайратомуз, шоҳларга арзигулик от, лекин фикри ожизимча, от ёшлигида сигир сути билан боқилган кўринади, чунки ҳаракатлари отларга хос бўлса ҳам, баъзи қилиқларида қорамолларда бўладиган аломатлар сезилдики, бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. Балки мен хато қилаётгандирман, унда бир қошиқ қонимдан кечинг...» Султон отбоқарлар бошлиғидан «Сен нима дейсан?» — деб сўради. У эса ҳеч нарса деёлмаслигини билдириб бошини эгди.

Кейин Султон элчини сўради. Суҳбат асносида Султон гапни от устига бурди. Элчи от ҳақида батафсил сўйлаб берди. Бу от подшоҳ йилқисидаги энг зотли биянинг боласи бўлиб, ёшлигида тасодиф туфайли бия ҳалок бўлган, тойча эса зотли сигир сути билан боқилган.

Султон от сигир сути билан боқилганига қаноат ҳосил қилгач, Аёзни чақиртирди.

Султон сўради: Отни зотли, лекин сигир сути билан боқилган дединг. Айт-чи, буни қандай билдинг?

Аёз таъзим-тавозе билан деди:

— Эй улуғ шоҳ, ҳар ҳодисага диққат билан қизиқиб қараш ва уни кузатиш, кўрган-билганларни тафаккур қилишдан инсон билими, тажрибаси ортади. «Ҳаётда содир бўладиган яхши, ёмон ҳар ҳодисани кузатиб боришга ўрган ва шунга одатлангин», дер эдилар падари бузрукворим. Мен ёшлигимдан кексаларни ҳурмат қилар ва кекса билимдонларнинг сўзларига қулоқ солар ва айтганларини уқиб олар эдим. Қариялардан эшитганларим ва ўзимнинг ёшликдан кузатганларимдан фаҳмладимки, қорамоллар сувдан чиққанларида кейинги икки оёқларини галма-гал орқага силкитадилар, бу билан орқа оёқларида ўсган жунлардаги сувларни туширадилар. Лекин отларда бундай ҳол учрамайди. Келтирилган тулпор дарёга иккиланмай, «сувдан тоймай» тушди. Лекин сувдан чиқиб кейинги икки оёғини силкитди. Мен ҳайрон бўлдим, ўйлаб-ўйлаб бу от ёшлигида сигир эмган бўлса керак, деган хулосага келдим. Эҳтимол мен адашарман. Унда шоҳимдан мени авф этишларини сўрайман.

Султон Маҳмуд Аёзнинг жавобларидан мамнун бўлди. Ва шу заҳоти уни отбоқарлар бошлиғи қилиб тайинлади.

**Қодир НОРХЎЖАЕВ**

# Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ
# ЁҒДУЛАР

***Бундан олти йил муқаддам (1369 йил қавс ойи) Афғонистонда Амир Алишер Навоий Фарҳангий анжумани (маданий уюшмаси) қонуний шаклда рўйхатдан ўтиб, иш бошлади. Унинг низомида қайд этилганидек, туркий халқлар тили, адабиёти, санъати, фолклори, урф-одати ва бутун маданиятига тегишли бўлган асарларни тўплаш, текшириш ва нашр этиш уларнинг ривожи учун муносиб шароит яратиб бериш, ушбу соҳаларда фаолият олиб борувчи олимлар ва ижодкорларга моддий-маънавий ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлаш, мазкур уюшманинг асосий вазифаларидан иборат.***

***Уюшма оз муддат ичида шимол соҳаларида — айниқса Балх, Жузжон, Форёб ва Сарпул вилоятларида ўз бошқарувчи органларига асос солиб, иш бошлади. Кобул шаҳрида симпозиумлар, семинарлар ва адабий анжуманлар ташкил этиб, турли илмий мақолалар ва адабий матнларни нашр этишга муваффақ бўлди.***

***1992 йил, урушлар оқибатида уюшма раҳбарияти Кобулдан шимолга кўчиб ўтишга мажбур бўлди.***

***1995 йил март ойи уюшма ҳаётида катта ўзгариш юз бериб, барча шимол вилоятларидан келган ижодкорлар, олимлар, адиблар, ва тилшунослар намояндалари иштирокида уюшманинг навбатдан ташқари марказий шўроси (кенгаши) Мазори шариф шаҳрида очилиб, янги аъзолар қабул қилди ва ижро ҳайъати сонини кўпайтирди.***

***Бундан бир йил муқаддам Мазори шарифда уюшма ўзининг «Ёғду» деб номланган журналини нашрдан чиқара бошлади. Унга истеъдодли шоир ва тадқиқотчи Муҳаммад олим Лабийб муҳаррирлик қилмоқда.***

***Биринчи сонининг бош мақоласида ёзилишича, журналнинг асосий мақсади туркий халқларнинг маданияти, адабиёти ва ижтимоий ҳаёти тарихини ёритишдан иборат бўлиб, ушбу мавзуларда ёзилган мақолаларни ўзбек, дарий ва пушту тилларида қабул қилади. Шунингдек, мазкур нашрия Афғонистонда яшовчи барча миллатлар орасида дўстлик ва биродарлик муносабатларини кенгайтириш йўлида хизмат қилади.***

***«Ёғду» журнали Амир Алишер Навоий маданий уюшмаси ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, Афғонистон ўзбеклари маданий ҳаётида муҳим ҳодиса. Биз унинг биринчи ва 6 — 7-сонларидаги баъзи мақолалар мазмуни билан ҳурматли ўқувчиларни қисқача таништириб ўтмоқчимиз.***

Муҳаммад Росих ёзган «Туркийлар тарих ўзанида» деб номланган илмий тадқиқий мақолада қимматли маълумотлар берилади. Туркийлар тарихда биринчи марта Марказий ва Шарқий Осиёда тузган буюк салтанатлар ҳақида қизиқарли ҳикоя этади.

Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билик» асари ҳақида ёзилгал илмий тадқиқий мақола журналист, ёш олим Зикрилло Ишонч қаламига мансуб.

Ёш олима Сакийнабону Ғазанфар ёзган мақола «Ҳаётда тилнинг ўрни ва аҳамияти» деб аталган. Муаллиф чунончи бундай деб ёзади: «Буюк Алишер Навоий сўзлаган тилни ардоқлаш, унинг қадр-қимматини билиш керак.

Мадомики, ҳар бир миллат ўзининг маданияти биланл барҳаёт экан, ҳазрат Навоий ва бошқа улкан сиймолар туркий тилда қолдирган асарлар бизнинг миллатимиз учун гувоҳнома ўрнида туради. Бизлар улар орқали танилами з...».

Олима ўзбек тили ривожи йўлида тўсиқ бўлиб келаётган омилларни кўрсатиб ўтиб, янги авлодни она тилда саводли қилиш муаммосини ўртага ташлайди. Ушбу ўринда радио-TV ролини алоҳида эслатиб ўтади.

«Туркий-ўзбекий адабиёт тарихига бир назар» сарлавҳали мақола ҳам диққатга сазовор. Ушбу мақола Балх университети устоди Муҳаммад Олим Лабийб қаламига мансуб. Мақола Александр Дюманинг «Ҳар бир қавмнинг адабиёт тарихи, унинг миллияти васиқаси ва эркинлигининг ҳужжатидир» деган сўзи билан бошланади. Мақола муаллифи қадимий Юнон тарихчилари ва ёзувчилари асарларидаги туркий халқлар ҳаётига доир турли қиссалар ва афсонларга эътиборни жалб этади.

Журнал саҳифаларини классик шоирлар Амир Алишер Навоий, Сайфи Саройи, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Фузулий ғазалларидан намуналар, муосир шоирлардан Маҳжурий, Ориф Усмон, М. Матин Андхуйий, Шаҳбоз Эражнинг ўзбекча шеърлари ва Ҳасан Змарайнинг афғонча ғазали босилган.

Журналнинг муқоваси Юсуф Хос Ҳожиб сурати билан безатилган бўлиб, машҳур Абдулҳамид Чўлпоннинг: «ўз адабиётига эга бўлмаган, уни ривожлантирмаган, ўз адибларини тарбия қилмаган миллат ҳиссиёт, андиша ва тафаккурдан маҳрум бўлиб, аста-секин йўқолиб кетади», деган мазмундаги фикри ҳам муқова юзига чиқарилган.

Журналнинг 6 — 7-сонида Умарбек Сотимовнинг «Шарқнинг саккизинчи алломаси», доктор Гунариарнинг «Афғонистон туркий халқлари» мақолалари, ҳинд адабий мактабининг форс тилида ижод қилувчи йирик намояндаси бўлмиш Соиб Табризийнинг, иккита туркий ғазали биринчи марта Афғонистонда нашр этилган.

Биз «Ёғду» журналининг биринчи сонида чиққан иккита шеърни ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз. Биринчи шеър Маҳжурий ва иккинчиси атоқли шоир М. Матин Андхуйий қаламига мансубдир

## ТУРКИЙ ТИЛ

*Туркий тилингни, эй дўст, ҳамхоналарга ўргат!*
*Ҳиммат қилувчи бўлсанг, бегоналарга ўргат!*
*Бечора камбағал деб, ўз тилни қилма танқид,*
*Тиб кониға очиб йўл, сарсоналарга ўргат!*
*Ҳар кимсадан тилаб тил, эл юрма сен гадодек,*
*Тил бойлигини сен ҳам фарзоналарга ўргат!*
*Май ичма сен бировнинг сирқинди косасидан,*
*Бадмашраб этгай ул май, мастоналарга ўргат!*
*Ким кирса икки йўлга, ул ўз йўлин йўқотгай,*
*Шу йўл бошида турган ҳайроналарга ўргат!*
*Маҳжурини шу тилга ошиқлигини билсанг,*
*Маҳбубаи чучук тил жононаларга ўргат!*

**МАҲЖУРИЙ**

## СИНГАН САФОЛ

*Кулиб, дудоғини, гул янглиғ ол кўргузди.*
*Тасаддуқ эрнига жон, не мақол кўргузди.*
*Дуога эл чўзиб, эзгулик истади мардум,*
*Чу ёр эгма қошидин, ҳилол кўргузди.*
*Кўнгил қушини кўринг, донаму деб ўлди асийр,*
*Кажак аросида чун турфа хол кўргузди.*
*Алиф каби бўйингиз меҳри жонаро тушган,*
*Ҳарийр кўйлаги ичра ниҳол кўргузди.*
*Қиё боқишларидан кайф олиш не имкондур*
*Ки қаҳр ила мижалардин, қурол кўргузди.*
*Замона кулфатидан доғдор эрур кўнглум*
*Нигор васлини бизга вабол кўргузди.*
*Аёғчи соғаридин ҳам бировни маст айлаб,*
*«Матин» улушини синган сафол кўргузди.*

**М. МАТИН АНДХУЙИЙ**

# ИШҚ дафтари очилади...

*Бугун юртимизда истиқлол шабадалари эсиб, қалбимизда шодлик, ажиб бир ифтихор туйғулари уйғонмоқда. Айниқса, миллий урф-одатларимиз, динимиз, эътиқодимиз, қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда улуғ аждодларимиз руҳини шод этишдек хайрли тадбирлар амалга оширилаётган ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидаги иш бўлмоқда.*

*Бинобарин, ўтиб кетган улуғ зотларнинг покиза руҳлари бир неча йилдирки бошимизда шод парвона. Оташзабон шоир, йирик мутасаввиф Бобораҳим Машраб руҳи ҳам «Аллоҳнинг иноятлари билан қайтаман, сизлар чиройли сабр қилинглар» дея нидо қилгандек, умидворликка чорлагандек кезади:*

***Эмди ман келдим муҳаббат ганжини во қилгани,***
***То кўз очдимки, ман аршни тамошо қилгани —***

*дея ўтли даъват билан, яратганга эркалик қилиб хушнудлик сезади.*

*Бобораҳим Машрабнинг шу матлаъ ила бошланувчи ғазалига мурожаат этишдан олдин ўтмиш меросимизнинг том маънодаги моҳиятига бир оз тўхталсак. Барча ўтган олиму фузалоларимиз, шоирларимиз ижодини боғловчи, уларнинг меросида барқ сингари чақнаб турувчи ғоя бор. У ҳам бўлса, инсоннинг дунёга келиши-ю унда ҳаёт кечириб ўтишдан мақсади - руҳини камолга етказиш, вужуддаги турли ёмон нафсларни енгиб, руҳини озод қилиш, соҳиби мутлақ ҳоки пойига «Ишқ дафтарини шарҳ айлаб» поёндоз этиб тарбият қилишдан иборат бўлган:*

***Ўзгалар қадринг на билсин сенда ул кўз бўлмаса,***
***Етти лак йил бўлди бир халқ тарки дунё қилгани.***

*Нақадар донолик. Ҳақиқатда биз ўз қадримизни билмадик, қалб кўзимизни очмадик. Қалб кўзи очилган маърифатварпарларимиз қатлиомга учради. Энди қўлимизда, манфур иллатлардан қанча тез халос бўлсак, шоир айтганидек «етти лак йил»да эмас, балки яқин йилларда топталган қадр бўстонимиз обод бўлиб, аждодлар олдида юзимиз ёруғ бўлгусидир.*

***Дилда суфиймизки, авсофи ҳақиқат биздадир,***
***Ботинин обод этиб, зоҳирин расво қилгани.***

*«Авсофи ҳақиқат нима?», « Ботинни обод этиш-чи?» Тасаввуф таълимотига биноан суфийлик қирқ мақомдан иборат. Ушбу мақомларнинг ўни шариатда, ўни тариқатда, ўни маърифатда, ўни ҳақиқатдадир. Демак ўттиз мақомни инсон риёзат чекиб эгаллагандагина ҳақиқат сифатлари унга бўй кўрсатади. Шундагина қалби - ботини ҳақиқат нурлари билан обод бўлиб «зоҳиран расво» бўлганига бепарво, элнинг таъна-маломатларига қўл силтаб қалби таскинда, хуррам яшайди.*

***Ёсумандин шавқ ўтига бў ушатган халқмиз,***
***Муддате бўлди Муҳаммад меҳрини жо қилгани.***

*Ҳеч қайси кимсага камситиш ҳуқуқи берилмаган. «Ёсумандин шавқ ўтига бў ушатган» халқнинг шоирининг тилаги поклигини қаранг,*

***Мен эшиттим аксари роҳи ҳақиқат бор эмиш,***
***Анда сармаст бораман мисни тилло қилгани,***

*Албатта-да, ҳақиқат сифатларини эгаллаган шоирнинг мисдек беқадр қалбини «тилло қилгани» рост. Яна:*

***Жабраилдек Мустафо мулкига мазбут эдим,***
***Ломаконни суйидин комимга ҳалво қилгани.***

*Сармаст ҳолда фариштадек тангри элчиси мулкига боғланиб, коми-мақсади — икки дунёсини «ҳалво»дек ширин этишга чоғланган шоир ҳолатини тасаввур этиб, ҳайратга тушади киши.*

***Машрабо, сармастлардек ҳар замон қайнар дилим***
***Боз келдим охират йўлинда савдо қилгани.***

*Тасанно айтмай илож йўқ. «Ўзлари комилсифат, ҳар луқмаси ҳаққи сағирлар» гуноҳини сўраб, «Аё дўзах, мани куйдир, халойиқ куймасин ҳаргиз» деб, «охират йўлида савдо қилиш» Аллоҳнинг хос бандаларига насиб қилувчи улкан саодат, фидойиликдир,*

*Бобораҳим Машраб ижоди бетакрор, безаволдир. Миллий меросимиз, қадриятларимиздан келиб чиқиб таъкидламоқчимизки, ўша улуғдавлатчилик йилларида халқимиз ўз тарихини, дунёвий ва исломий, моддий ва маънавий маданиятимизни унута борди. Маънавиятимиз саёзлашган сайин Ватаннинг қадр-қиммати, уни дунёга танитган сиймолари билан фахрланиш туйғусидан маҳрум бўлаёздик,*

*Айни пайтда ҳар бир ижодкор олим, алломанинг ҳаёт фаолиятига холис, ижодини теранлик билан тадқиқ қиладиган замон келган экан, маънавиятимиз юксалиши муқаррар. Зеро, мамлакатимиз Президенти айтганидек, «маънавиятсиз тараққиёт бўлмайди».*

***Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,***
***Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими бошлиғи***

*Наманган*

***Жамолиддин Муслим,***
***бўлим мутахассиси***

# ГЎРЎҒЛИ «ГУЛИСТОН»ДА



«Гулистон» журналининг навбатдаги 3-сони муҳиблар ва муштарийлар ҳукмига тақдим этилди. Муқовадаги алпағуткелбат болани дарҳол танидингиз. Бу — Гўрўғли.

Миллий тасвирий санъатимизнинг забардаст мўйқалам соҳиби Муборак Йўлдошевнинг теран руҳонияти ва мустаҳкам эътиқодига йўғрилган ушбу асарининг журнал сарлавҳасига олиб чиқилишида рамзий маъно бор. Тасвирда акс этган забардаст Гўрўғли 4-5 ёшлар чамасида. У даҳшатли шерни ер тишлатиб тантана қилмоқда. Назар ташланг, ортида — гўр. Еру осмон қуёш оловига бурканган. Ҳарчанд, таниқли мусаввир юздан ортиқ асарни ўзида мужассам этган «Гўрўғли» туркумини бундан 10-15 йиллар бурун яратган бўлса-да, қалб назари ва руҳонияти башорати туфайли бугунги қутлуғ кунларга валийсифат нигоҳ ташлагандек...

Санъатшунос А.Эгамбердиевнинг рассом М.Йўлдошев ижодига бағишланган «Гўрўғли»нинг қайтиши» мақоласи мусаввирнинг «улуғчилик» замонларида осон кечмаган ижодий фаолияти, шунингдек, «Гўрўғли» туркуми устида олиб борган машаққатли меҳнати хусусида ҳикоя қилади. Журнал зарварақлари ушбу туркумга бағишланган. Рассомнинг «Гўрўғлининг онаси — Бибиҳилол», «Руҳлар изтироби», «Гўрда ошиқ ўйини», «Ҳордиқ олаётган Гўрўғли» каби кўплаб рангли тасвирлари сизга манзур бўлади.

Ўтган сонлардаги каби журналнинг ушбу сонидан ҳам бобомиз Амир Темур ҳаётий солномасига доир кўплаб мақолалар ўрин олган. Азамат Зиёнинг «Амир Темур хорижда», Хайрулла Исматуллананинг «Италия Уйғониши ва Туркистон», Мусоқул Усмоновнинг «Самарқанд осмонида қора булутлар», Исмоил Сулаймоновнинг «Оврупонинг халоскори» каби мақолаларда буюк жаҳонгир ҳаётининг ҳанузгача ўрганилмаган қирралари хорижий ва ватаний манбалар асосида атрофлича таҳлил қилинади.

Профессор М.Усмонов «Самарқанд осмонида қора булутлар» мақоласида ёзувчи С.Бородиннинг бир замонлар ёзилган «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида оламгир бобомизнинг сурат ва сийратлари, Шарқ халқларининг «олтин асри» бўлган Темурийлар даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, миллат ва ислом ойинлари нечоғли бузиб кўрсатилганлигини далиллар орқали исбот этади.

Журналдан ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларига доир кўплаб мақолалар ўрин олган: республикамиз табиий муҳитини соф ҳолда сақлаш, унинг хазиналарини асраш (Т.Жумаев «Тоғлар — бебаҳо бойлигимиз»); яқин ўтмиш маданиятимиз ва адабиётимиз арбоблари ижодида миллий истиқлол ғоялари (Ҳ.Қудратуллаев «Фитрат фитратининг гултожи»), мустақиллик ва адабий муҳит (Я.Қосим «Бадиий ижод ва истиқлол»), шунингдек, Х.Янтсеннинг журналнинг бир неча сонларида босилаётган «Хавф-хатарли Туркистонда», Ҳ.Бобобековнинг «Пўлатхон қўзғолони», Ҳ.Кароматовнинг «Санамлар ва бутпарастлар таназзули», М.Қўшмоқбойнинг «Мулла Эргаш — Булбул Эргаш» каби мақолалари қизиқарли ёзилган.

**Маъпура НАБИЕВА**

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0402.
4199 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6